



" 27 " январ 20 11 у. № БН/31-01/1-34-13/46

" " " 20 " у. № "

Қорақалпоғистон Республикаси молия
вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри
молия бошқармаларига

Қорақалпоғистон Республикаси
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
Ғазначилик бошқармаларига

Молия вазирлигининг тармоқ
бошқармаларига

Молия вазирлигининг Амалиёт
бошқармасига

Бюджетдан маблағ олувчиларга

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги бюджетдан маблағ олувчилар томонидан маҳсулот (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан 2010 молия йилида имзоланган шартномалар бўйича мавжуд кредиторлик қарзларни жорий молия йилида тўланиши юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Ўтган молия йилида бюджет маблағлари ҳисобига тузилган шартномалар бўйича юзага келган кредиторлик қарзларини тўлаб бериш учун (коммунал хизматлар бўйича кредиторлик қарзлар бундан мустасно) бюджетдан маблағ олувчилар томонидан уларга хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1). Даврий шартномалар бўйича (яъни қонунчиликда белгиланган тартибда фақат битта маҳсулот (иш, хизмат) етказиб берувчи билан доимий равишда тузиладиган шартномалар бўйича) молия йилига қўшимча давр тугаганидан сўнг кредиторлик қарзлари биринчи навбатда ўрнатилган тартибда бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан (юримдик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан маблағ олувчилар бундан мустасно), агар бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ва бошқа тегишли бюджетдан ташқари маблағлар мавжуд бўлмаганда ва/ёки етарли бўлмаган ҳолларда, жорий молия йили учун бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан тўланади.

Бунда, жорий молия йили учун бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасининг тегишли моддаси бўйича қабул қилинадиган юримдик мажбуриятлар суммаси ўтган йилги кредиторлик қарзлари суммасини қоплашга йўналтирилган суммага қамайтирилади. Яъни жорий молия йили учун тузилган янги шартномаларда умумий сумма шу жумладан ўтган молия йилининг кредиторлик қарзини қоплашга йўналтириладиган сумма ҳамда жорий молия йили учун қабул қилинадиган юримдик мажбурият суммаси алоҳида акс эттирилади.

2). Даврий бўлмаган шартномалар бўйича бюджетдан маблағ олувчилар ғазначилик бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”нинг 6-иловасига мувофиқ юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровнома ҳамда кредиторлик қарзни тўланиши режалаштирилган маблағ манбааси, шахсий ғазнаҳисобварағи ва бошқа реквизитлар кўрсатилган хат шунингдек, мазкур ҳолат учун кредиторлик қарз юзага келган ўтган молия йилининг шартномалари нусхасини тақдим этадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан юқорида қайд этилган ҳар икки ҳолатнинг ҳар бири учун қўшимча тарзда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- маҳсулот (иш, хизмат)ни етказиб берилганлигини тасдиқловчи охириги ҳисоб-фактура нусхаси;
- бюджетдан маблағ олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган солиштирма далолатнома (қўшимча даврда амалга оширилган ҳисоб-китобларни инобатга олган ҳолда);
- ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқнома тақдим этилади (бунда, тўлов топшириқномасининг тўлов мақсадида қўшимча тарзда алоҳида “ўтган йилнинг кредиторлик қарзларини қопланиши” акс эттирилиши лозим).

Ғазначилик бўлинмаларига бюджетдан маблағ олувчилар томонидан юқоридаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинган ҳолларда, уларни “Ғазначилик – 4” дастурий мажмуига ўрнатилган тартибда киритиш ва тўловларни амалга ошириш вазифаси юклатилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасида (шу жумладан вақтинчалик харажатлар сметасида) режалаштирилган маблағлар кредиторлик қарзни тўлаш учун етарли ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда ёки режалаштирилган маблағлар ўтган йилги мажбуриятлар билан банд қилинган тақдирда, ғазначилик бўлинмалари молия органларига (тегишли тармоқ бошқармаларига) мавжуд кредиторлик қарзни тўлаш чораларини кўришлари учун хат юборадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан маҳсулот (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига 2010 молия йилида имзоланган шартномалари бўйича мавжуд кредиторлик қарзларни жорий молия йилида тўланиши фақат тегишли бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўлаб берилади (қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно). Бунда бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ҳужжатларнинг ғазначилик бўлинмасига тақдим этилиши, шунингдек уларни “Ғазначилик – 4” дастурий мажмуига ўрнатилган тартибда киритиш ва тўловини амалга ошириш юқорида бюджет маблағлари каби бир хил тартибда амалга оширилади.

Қўшимча равишда маълум қиламизки ғазначилик бўлинмалари режали ажратилган бюджет маблағларидан молиявий мажбуриятлар ортиқча қабул қилинган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг тегишли ҳудудий бошқармаларига чоралар кўриш учун тақдим этишлари лозим.

**Ғазначилик бошлиғи –
вазир ўринбосари**

 **Б. Ашрафхонов**